

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУШВАҚТОВ САМАРИДДИН УМИРЗОҚОВИЧ

**КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ЮМШАТГИЧИ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**5430100 - Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим
йўналиши бўйича**

**Иш кўриб чиқилди ва химояга
қўйилди**

“ҚХМ” кафедраси мудири

_____ доц.И.Ж.Тоиров

“ ___ ” _____ 2016 й.

Илмий раҳбар

_____ проф. Ф.Маматов

“ ___ ” _____ 2016 й.

Химояга рухсат этилди

Мухандис-техника ф-ти декани

_____ доц. М.Алиқулов

“ ___ ” _____ 2016 й.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Мухандислик-техника факультети

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йуналиши

«Тасдиқлайман»

«Қишлоқ хўжалигини
механизациялаштириш»
кафедраси мудир

_____ доц.И.Ж.Тоиров

« ____ » _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ БЎЙИЧА

Т О П Ш И Р И Қ

Талаба Хушвақтов Самариддин Умирзоқович

Малакавий иш мавзуси «Комбинациялашган агрегатнинг юмшаткичи параметрларини асослаш», институтнинг №23/Т бўйруғи билан 25.01.2016 йилда тасдиқланган.

1. Малакавий ишни топшириш муддати: 10.06.2016 йил.

2. Малакавий иш учун маълумотлар: Агросаноат комплексига таалуқли ҳукумат қарорлари, дарслик ва укув қулланмалар, тупроққа ишлов бериш технологиялар ва агрегатлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижалари.

3. Ҳисобий изоҳ қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати): кириш, мавзуни асослаш, тупроққа ишлов бериш технологиялари ва техник воситалари таҳлили, комбинациялашган агрегат юмшаткичининг тузилиши ва иш жараёни, комбинациялашган агрегатнинг юмшаткичи параметрларини асослаш, тупроққа ишлов бериш технологик жараёнини операцион технологик харитаси, меҳнат ва табиат муҳофазаси, комбинациялашган агрегатнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоби.

4. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар):

1. Агрегатнинг конструктив схемаси; 2. Ишчи органларни ўзаро жойлашиш схемаси ва параметрлари; 3. Операцион-технологик харита. 4. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар. _____

5. Малакавий иш бўйича маслаҳатчилар: _____

6. Малакавий ишни бажарилиши бўйича календар график

№ т/р.	Малакавий ишнинг булимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан, %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
1.	Кириш				
2.	Тупроққа ишлов бериш технологиялари ва техник воситаларининг таҳлили				
3.	Комбинациялашган агрегатнинг тузилиши ва иш жараёни				
4.	Комбинациялашган агрегатнинг юмшаткичи параметларини асослаш				
5.	Тупроққа ишлов бериш технологик жараёнини операцион технологик харитаси				
6.	Меҳнат муҳофазаси				
7.	Табиат муҳофазаси				
8.	Комбинациялашган агрегатнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоби				
9.	Хулоса				
10.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати				

Малакавий иш раҳбари _____ проф. Ф.М.Маматов

Талаба _____ С.У.Хушвақтов

МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
1. ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	10
1.1. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда тупроқни химоя қиладиган технологияларни самарадорлиги.....	10
1.2. Тупроққа асосий ишлов берадиган фаол ва пассив ишчи органи комбинациялашган агрегатлар таҳлили.....	12
2. КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ЮМШАТГИЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ....	22
2.1. Пассив ва фаол ишчи органи комбинациялашган юмшатгичнинг тузилиши ва иш жараёни.....	22
2.2. Пассив ва фаол ишчи органи комбинациялашган юмшатгичнинг барқарор ҳаракати ва унинг самарадорлиги.....	24
2.3. Комбинациялашган юмшатгичнинг пассив ва фаол ишчи органиларини ўзаро жойлашишини асослаш.....	29
2.4. Комбинациялашган агрегатнинг юмшатгичи параметрларини асослаш	31
2.5. Операцион технологик хаританинг ҳисоби.....	34
3. АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.....	40
3.1. Тупроққа химоялаб ишлов беришнинг аҳамияти.....	40

3.2. Лойиҳаланган плугнинг шудгорлашда атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар микдорига таъсири	41
4. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ.....	43
4.1. Т-4А трактори ва секцияли плугдан иборат ҳайдов агрегатига булган техника хавфсизлиги талаблари.....	43
4.2. Ҳайдов агрегатининг мувозанатлигини ҳисоби.....	45
5 КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	49
Хулоса	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “...бизни боқадиган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширимиз керак” [1]. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири кам қувват ва меҳнат сарф қилган ҳолда тупроқ унумдорлигини ошириш ва уни ҳимоя қилишни таъминлайдиган такомиллашган деҳқончилик тизими ва янги истиқболли техник воситаларни яратишдан иборат [2].

Ўзбекистанда кузги экинлардан кейин ерларнинг асосий қисмига нами етарли бўлмаган шароитда ишлов берилади. Куз даврида ёғингарчиликнинг камлиги асосий ишлов бериш даврида тупроқни қуришига олиб келади. Шудгорлаш даврида ишлов бериладиган қатламнинг намлиги 4-7% гача камаяди, қаттиқлиги эса 11-12 мПа гача ошади. Шунинг учун асосий ишлов бериш даврида катта кесаклар ҳосил бўлади. Қишда ва эрта баҳордаги атмосфера ёғинлари кесакларни парчалаш учун етарли эмас. Катта кесакли шудгорда намлик тезда порланиб кетади. Тупроқ намлигининг етарли эмаслиги баҳорда қўшимча суғоришни талаб этади, бу эса сифатсиз шудгор шароитида катта материал сарфига олиб келади. Бироқ қўшимча суғоришлардан кейин ҳам дала юзасида кўп миқдордаги кесаклар қолади, натижада далани экишга тайёрлаш учун 10-12 гача қўшимча операцияларни ўтказишга тўғри келади. Бу операциялардан кейин ҳам тупроқни сифатли тайёрлаш имкони бўлмайди [3].

Кўп маротоба ишлов бериш техникалардан самарасиз фойдаланишга ва тупроқни қуришига олиб келади, ва энг асосийси экиш муддатларини чузилишига сабаб бўлади. Яхши майдаланмаган тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларини сифатли экишни ва уруғларни бир хил чуқурликка кўмишни таъминлаб бўлмайди, бу эса уруғни униб чиқишига, пировардидада ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Донли экинларни йиғиб олингандан сўнг қолган ўсимлик қолдиқлари ҳам тупроққа ишлов бериш ва экиш машиналарининг иш шароитига салбий таъсир кўрсатади. Ваҳоланки, ўсимлик қолдиқларини майдалаш ва уларни 0-3 см қатламда сақлаш шамол эрозиясини олдини олади [4-13].

Ўзбекистанда тупроққа асосий ишлов бериш учун лемех-отвалли плуглар қўлланилади. Ҳозирги вақтда бу плуглар билан 90% га яқин ерлар шудгорланилади. Тупроқ палахсаларини ағдариб ағдаргичли ишлов беришнинг энг муҳим афзалликлари: органик ўғитлар ва ўсимлик қолдиқларини чуқур кўмилиши, бегона ўтларга қарши самарали курашиш, тупроқнинг яхши юмшатилиши. Ағдаргичли ишлов бериш тўғри қўлланилганда тупроқнинг унумдорлиги ошади ва экиннинг ҳосилдорлиги кўпаяди [5].

Унинг камчиликларига қуйидагилар киради: юқори энергия сарфи, шамол эрозиясига учрайдиган тупроқларда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ва плуг таянчлари таъсирида қаттиқ қатлам (плуг товони) ҳосил бўлиши мумкинлиги. Тупроқ палахсаларини ағдариб ҳайдашнинг яна бир камчилиги палахса ағдарилиши натижасида шудгорнинг устки қатлами «ялонғочланиб» қолади. Бу эса намгарчилик етарли бўлмаган жойларда тупроқда шамол ва сув эрозиясининг кучайишига олиб келади [13].

Эрозиянинг олдини олиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш мақсадида XIX ва XX асрлардан бошлаб эрозия кучли худудларда тупроқ палахсасини ағдармасдан ағдаргичсиз ишлов берила бошланди. Бунда 65-85% ўсимлик қолдиқлари дала юзасида қолади ҳамда тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлайди. Юмшатилган тупроқ қатлами ўзида намни яхши сақлайди [9,11].

Тупроққа ағдаргичсиз асосий ишлов беришнинг бу усули АҚШ, Канада, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошқа кўпгина мамлакатларда муваффақият билан қўлланилмоқда.

Ҳозирги вақтда тупроққа ағдаргичсиз ишлов беришнинг янги минимал ишлов бериш йўналиши кенг тарқалмоқда. Бу йўналишнинг асосий мазмуни тупроққа ишлов беришлар сонини имкони борича камайтириш, яъни минималлаштиришдир. Чунки қўлланилаётган агротехника қоидаларига асосан тупроққа ишлов беришлар сони кўпинча керагидан ортиқ бўлиб, тупроқ ҳолатини ёмонлашувига олиб келмоқда. Шунинг учун «минимал ишлов» жараёнларни бир ўтишда бажариб, химиявий моддаларни қўллаш билан тупроққа механик таъсирлар сонини минимал даражага қадар камайтиришдир. Натижада ишлаб чиқариш харажатлари 3-4 баробарга камайиши билан тупроқ эрозияси олди олинади [5].

Ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган мамлакатларда тупроққа асосий ишлов беришдан бутунлай воз кечилмоқда, яъни шудгорлаш ёки юмшатиш ўтказилмасдан экинлар ҳосили йиғиштириб олинган далаларга махсус қуроллар ёрдамида тўғридан-тўғри экилмоқда. Асосий ишлов ўтказилмаганлиги сабабли бу усулга ноль ишлов бериш (нулевая обработка) деб ҳам юритилади. Бу усулда технологик жараёнларнинг қисқарганлиги сабабли 80% га қадар ёнилғи ва 60% ишчи кучи тежаб қолиниши мумкин [5-7, 14].

Бироқ пассив ағдаргичсиз ишчи органлар нами етарли бўлмаган шароитларда ва дала юзасида ўсимлик қолдиқлари мавжуд бўлганда талаб қилинган тупроққа ишлов бериш сифатини таъминламайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, тупроққа ишлов беришда серқувват ғилдиракли тракторларнинг қувватидан тулиқ фойдаланиш имкони йўқ, чунки ғилдиракли тракторлар юриш қисмининг тупроқ билан илашиш кучи қуролларнинг тортишга қаршилигини енгил учун етарли эмас.

Россия, Украина ва бошқа бир қатор мамлакатларда ўтказилган тадқиқотларга кўра тупроққа асосий ишлов беришда тракторларнинг тортиш-илашиш хусусияларинияхшилаш билан бирга агрегатларнинг меҳнат унумдорлигини оширишнинг истиқболли йўлларида бири бу қуролларда

фаол ва пассив ишчи органларни қуллашдир. Актив ва пассив ишчи органли комбинациялашган машиналар меҳнат унумдорлигини оширади, операцияларни бажариш муддатларини қисқартиради ва машиналарни даладан ўтишлар сонини камайтиради.

Шу боис ушбу иш юмшатгич-ротацион ишчи органли комбинациялашган агрегатнинг юмшатгичи параметрларини асослашга бағишланган.

1. ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

1.1. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда тупроқни химоя қиладиган технологияларни самарадорлиги

Олимларнинг кўп сонли олиб борган тадқиқотларига кўра аниқланганки, механик таъсир натижасида тупроқнинг унумдорлиги камаяди ва мос ҳолда у деградацияга учрайди.

И.Б.Борисенконинг [13] ва бошқа кўпчилик мамлакатларнинг олимларини фикрича ҳозирги вақтда тупроқнинг глобал деградацияси юзага келган – бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий муаммоси. Уларнинг фикрича сув ва шамол эрозияси, кимёвий деградация – бу ҳозирги замоннинг жуда хавфли ҳодисаси.

Инсониятнинг қишлоқ хўжаплик фаолияти давомида 2 млрд.га яқин ерлар яроқсиз ҳолатга келган, бу ҳозирги шудгорландиган ерлар майдони 1,5 млрд.га дан анча катта [4,5, 13].

Замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналиши уни интенсификациялаштириш ҳисобланади. Бу тупроқ-иқлим шароитига мос ҳолдаги технология ва техник воситаларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Тупроқни экологик жиҳатдан ҳимоя қилиш асосан, унга ишлов бериш технологияси ва техник воситаларига боғлиқ.

Бугунги кунда, Республикамизда лемех-ағдаргичли плуглар билан асосий ишлов бериш кенг тарқалган. Улар шудгорландиган майдонларни қарийб 90%да кенг қўлланилади. Ағдаргичли ишлов беришда энергия сарфининг юқорилиги, намлиги кам ва шамол эрозиясига мойил тупроқларда уни қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, «плуг товони» ҳосил бўлиши каби камчиликларни кўрсатиш мумкин. Бундай ерларга ағдаргичли ишлов беришдан кўра, дала юзасида ўсимлик қолдиқларини сақлаган ҳолда

ағдаргичсиз ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Чунки ўсимлик қолдиқларини дала юзасида сақлаб қолиш натижасида тупроқни шамол эрозиясига учрашини олди олинади.

Кейинги йилларда деҳқончилик маданиятида асосий эътибор тупроқ-ни химоя қиладиган яъни, тупроқ қатлами юзасини кам даражада емирадиган ва майда заррачаларга тўзғитадиган ҳамда ўсимлик қолдиқларини дала юзасида сақлаб қоладиган эрозияга қарши ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш усулларига қаратилган.


Кам энергия сарфлаб, тупроқни эрозиядан химоя қиладиган технологияларни қўллаш қуйидаги афзалликларга эга: тупроқни шамол ва сув эрозиясидан химоялаш; ишлов беришдаги энергия сарфини камайтириш; нам-ликни тўплаш ва сақлашни яхшилаш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш.

Ривожланган хорижий давлатларда тупроқни химоя қиладиган технологияларни қўллаш тез суръатларда амалга оширилмоқда. Уни кенг қўламда қўлланилиши қуйидаги асосий сабабларга асосланади:

- сув ва шамол эрозияларига қарши самарали курашнинг зарурияти;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда меҳнат, вақт ва ёқилғи-мойлаш материалларини сарфини камайтиришнинг зарурияти;
- тупроқ структураси, унумдорлиги ва физик-механик хусусиятларини яхшилашнинг зарурияти;
- тупроқ намлигини сақлаш, буғланишни олдини олиш ва зичланишини камайтиришнинг зарурияти.

Эрозияга қарши тупроққа ишлов беришнинг энг самарали усули бу ағдаргичсиз ишлов беришдир. Тадқиқотларга кўра ағдаргичли ишлов бериш тупроқдаги гумус миқдорини камайишига олиб келади [13]. Тупроқни химоя

қиладиган технологияларни қўллаш эса тупроқдаги гумус стабиллаштиради, уни кўп вақтда қўллаш эса гумус миқдорини оширади (1.1- расм).



1.1 – расм. Ағдаргичли (1) ва ағдаргичсиз (2) технологияларни тупроқдаги гумус миқдорига таъсири

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда тупроқни химоя қиладиган технология ва уларни амалга оширадиган техник воситаларни қўллаш истиқболлидир.

1.2. Тупроққа асосий ишлов берадиган фаол ва пасив ишчи органли комбинациялашган агрегатлар таҳлили


Маълумки [15-28] комбинациялашган машина ва агрегатлар тупроқни экишга тайёрлаш бўйича бир нечта ёки барча технологик операцияларни қўшиб бажаради. Бунинг натижасида трактор харакатлантиргичларининг тупроққа кўрсатадиган салбий таъсири камаяди, иш сифати ва унумдорлиги ортади, тупроққа ишлов бериш муддати қисқаради ва ундаги намни сақланиб қолишига эришилинади, ёнилғи ва бошқа харажатлар сарфи камаяди.

Тупроққа ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган агрегатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.


Ҳайдов ва хайдалган юзага ишлов беришни кўшиб олиб боровчи агрегатлар плуг ва унга ўрнатилган мосламадан ташкил топган бўлади (1.2-1.4 расмлар).

Мослама хайдалган даланинг юза қисмини майдалайди, текислайди ҳамда маълум миқдорда зичлаб, экишга тайёр ҳолга келтиради. У асосан каток, текисловчи ва зичловчи иш органларидан ташкил топган бўлади.

Республикамиз шароитида бундай агрегатларни буғдой ва ундан бўшаган далаларни такрорий экинлар экиш учун тайёрлашда қўллаш катта самара беради, чунки бунда ерларни хайдаш ва экишга тайёрлаш тадбирлари кетма-кет олиб борилади.



1.2-расм. ПКА-2 комбинациялашган хайдовагрегатининг схемаси [39]: 1-2-таянч-тиргак; 3-олдинги тортки; 4-шлейф-балка(волокуша); 5-ўрта тортки; 6- сница; 7-ғалтак рамаси; 8-ғалтак вали; 9-қозиқ-шпорали дискли ғалтак; 10-масофавий втулка; 11-орқа тортки; 12-кўндаланг брус; 13-таянч брус; 14-плуг.




1.3-расм. ПЛН-4-35 плагига мослама [40]: 1-рама; 2,3- бўйлама ва кўндаланг брус; 4-текислагич брус; 5-бўйлама тортқи; 6-хомут; 7-қия устун; 8,10-сиқиш пружинаси; 11-стержен; 12-ғалтак; 13-текислагичнинг тиргаги ; 14-тиш; 15-бармоқ; 16-чўзилувчи пружина; 17-кронштейн

Шундан келиб чиқиб ЎЗМЭИда айланма плуг ва унга ўрнатилган мосламадан иборат комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилган [20-21]. Агрегатнинг бир ўтишида плуг корпуслари тупроқ палахсаларини ағдаради, мослама шу ағдарилган палахсаларга ишлов бериб кетади.

Буғдойдан бўшаган далалар ҳайдалганда кўплаб ўсимлик қолдиқлари (сомон, анғиз) мавжуд бўлган тупроқ қатлами ағдарилиб, пастки қатламга ташланади. Бунинг натижасида ҳайдов қатламида бўшлиқлар ҳосил бўлади ва улар бартараф этилмаса такрорий экинларни суғориш ва улар қатор ораларига ишлов бериш ишларини сифатли ўтказиб бўлмайди.

Бундан ташқари такрорий экинларни сифатли экиш учун тупроқ юқори қатламининг майдаланганлик даражаси, зичлиги ва текислиги экиш фонига қўйиладиган агротехника талабларига мос келиши керак. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ёзги юқори ҳароратни ҳисобга олиб, тупроқдаги нам сақланишини таъминлаш учун мослама шудгор юзасида майин қатлам ҳосил қилиши керак.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда мослама понасимон ишчи юзали дисклар билан жиҳозланган ғалтак ва майин қатлам ҳосил қилувчи пластинкалар билан жиҳозланган текисловчи иш органларидан иборат этиб ишлаб чиқилган (1.4-расм). Агрегатнинг ҳаракати давомида понасимон ишчи юзали дисклар палахсаларни майдалайди ва ҳайдов қатламини зичлаб кетади, пластинкалар билан жиҳозланган текислагич шудгор юзини текислайди ва дала юзасида майин қатлам ҳосил қилиб кетади.




1.4-расм. Хайдалган юзага ишлов берувчи мослама билан

жиҳозланган плугнинг схемаси: 1-плуг; 2-кронштейн; 3-пружина; 4-брус; 5-иш органлари маҳкамланадиган брус; 6- каток диски; 7-текислагич; 8-майин қатлам ҳосил қилувчи пластинкалар


Ўтказилган тадқиқотларда мослама билан жиҳозланган плуг қўлланилганда тупроқдаги намнинг сақланиши 6,60 % га ортганлиги, ёнилғи сарфи 2,05 кг/га, меҳнат сарфи 14,14%, эксплуатацион харажатлар 4,80% га камайиши аниқланган.

Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш операцияларини қўшиб олиб боровчи агрегатлар даладан бир ўтишда тупроқни 15-20 см га юмшатади, унинг юзасини текислайди ва талаб даражасида зичлаб кетади. Улар кўп ҳолларда рамага кетма-кет жойлаштирилган кесувчи, юмшатувчи, майдаловчи, текисловчи ҳамда зичловчи иш органларидан ташкил топган бўлади [21,22, 30].

Пахта етиштиришда қўллаш учун КФГ-3,6 фрезали культиватор, ОПУ-2,2 универсал тупроққа ишлов бериш қуроли, РВН-8,5 юмшаткич текислагичлар ишлаб чиқилган [26].



1.5-расм. МДХ мамлакатларида ишлаб чиқариладиган комбинациялашган агрегат [30]: 1-рама;2-дисклар; 3-ясси кесувчи панжалар; 4-текислагич; 5-ғалтак; 6-юк қўйилувчи қути



1.6-расм. RAU фирмасида ишлаб чиқариладиган комбинациялашган агрегат: 1-сферик диск; 2-юлдузча; 3-ғалтак


КФГ-3,6 фрезали култиватор оғир механик таркибли ва серкесак далаларни чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғини экишга тайёрлашда қўлланилади. У рама, унга ўрнатилган ўқёйсимон панжалар, фрезали барабан, фартук ва катоклардан ташкил топган.

Ўқёйсимон панжалар тупроқни 18 см гача чуқурликда юмшатади, фрезали барабан уни 8-10 см чуқурликда майдалайди, фартук дала юзасини текислайди ва каток уни зичлаб кетади. Агрегатни қамров кенглиги 3,6 метрни ташкил этади.

ОПУ-2,2 тупроққа ишлов берувчи қурол (1.7-расм) шўри ювилган ва яқоб суви берилган далаларни пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун тайёрлашга мўлжалланган.

Бу қурол ҳам КФГ-3,6 фрезали култиватор каби ўқёйсимон панжалар, фрезали барабан фартук ва ғалтакдан иборат бўлиб, даладан бир ўтишда тупроқни чуқур (18 см гача) юмшатади, унинг юза қисмини майдалайди, текислайди ва зичлаб, экин экишга тайёр ҳолга келтириб кетади. Қамров кенглиги 2,2 метр бўлиб, 3-4 классдаги занжирли тракторларга осилади. РВН-8,5 юмшаткич текислагич (1.7-расм) даладан бир ўтишда тупроқни 6-8 см га

юмшатади, уни юза қисмини текислайди ва зичлайди. У ўрта, ўнг ва чап секциялардан ташкил топган бўлиб, хар бир секция юмшатувчи ҳамда текисловчи-зичловчи иш органлари билан жиҳозланган. Агрегатнинг қамров кенглиги 8,5 метрни ташкил этади.



1.7-расм. ОПУ-2,2 тупроққа ишлов берувчи қуролнинг технологик иш жараёни: 1-агрегат рамаси; 2- тортқи; 3- ғалтак; 4-марказий редуктор; 5-ён редуктор; 6- ротор; 7-пассив иш органи; 8-кардан вали; 9-таянч ғилдираги; 10-таянч ғилдирагини маҳкамловчи кронштейн; 11- текисловчи фартук.

Пассив ишчи органли тупроққа ишлов бериш машиналари иш жараёнида тракторнинг қуввати фақат унинг хараклантиргичлари орқали узатилади, бу хараклантиргич ва ишчи машинанинг бўлинган функциясига асосланган. Бунда тракторнинг қуввати қанча катта бўлса унинг оғирлиги ҳам шунча катта бўлиши лозим. Акс ҳолда, агар ғилдиракларни тупроқ билан илашиши етарли бўлмаса, двигателнинг қувватининг бир қисми фойдаланилмай қолади Буни, масалан, трактор агрегатини текис рельефда харакати шартдан кўрсак бўлади [30]:

$$P_{кр} \leq G_T \eta \varphi_c - G_T f_T, \quad (1.1)$$

Бунда $P_{кр}$ – тракторнинг тортқисидаги куч;

G_T – трактор оғирлиги;

η – тракторнинг етакчи ғилдиракларига тушадиган оғирликни ҳисобга олувчи коэффициент;

φ_c – трактор юриш қисмларини-характлантиргичларини тупроқ билан илашиш коэффициенти;

f_T –трактор ҳарактлантиргичларини думалашга қаршилик коэффициенти.

Увеличение массы трактора ведет к ряду негативных последствий – увеличиваются расходы на его собственное перемещение, растет расход металла на изготовление, в большей мере происходит уплотнение почвы, что отрицательно сказывается на урожайности сельскохозяйственных культур.


Серкувват тракторлардан самарали фойдаланиш муаммоси улар билан кенг қаровли тезкор тупроққа ишлов бериш машиналарини агрегатланганда сезиларли юзага келади. Пассив ишчи органли машиналарни тезлиги ошишибилан уларнинг қаршилиги кескин ошади, бу двигателни тулиқ юкламай паст узатмаларда ва ҳарактлантиргичларни юқори шатаксирасида ишлашга олиб келади. Ғилдиракли тракторлар билан иш жараёнида шатасирашга кувват сарфи 13...17%, баъзида эса 30...35% ни ташкил қилади [4,5, 6].

Кичик тезликларда технологик жараён бузилади ва иш сифати кескин пасаяди. Ундан ташқари, пассив ишчи органи машиналардан фойдаланишда кўйидаги камчиликлар аниқланган: юзсида кўп даражада ўсимлик колдиклари бўлган далаларга ишлов беришда юмшатгичлар тез-тез тиқилиб қолади, яъни уларнинг иш жараёни ишончли эмас; нами етарли бўлмаган ва


юзаси ортикча зичланган ерларга ишлов берилганда кўп миқдордаги катта кесаклар ҳосил бўлади.

Юқоридаги муаммоларни ечиш учун кўпчилик олимлар томонидан фаол ва пассив ишчи органли комбинациялашган машинларни қуллаш таклиф қилинган [33-56].


Бундай машиналарга Германияда таклиф қилинган плуг [33] (1.8 - расм), Россия федерациясида ишлаб чиқилган [34] пассив ва фаол ишчи органли плуг (1.9 - расм), АҚШ да таклиф қилинган [38] ҳарактлантиргичи диски пичоқ кўринишидаги плуг (1.10 - расм), Самара давлат қишлоқ хўжалик академиясида яратилган актив диски культиваторни (1.11- расм) келтириш мумкин.




1.8- Расм. Германия патенти № 1252957 бўйича плуг схемаси



1.9 – расм. Диск-ҳарактлантиргичли движителями комбинациялашган плуг



1.10 – расм. Фаол фрезали плуг схемаси



1.11 – расм. Диск-характлантиргичли культиватор агрегатининг принципиал схемаси: 1 – диск-характлантиргич; 2 – рама; 3 – тақсимловчи вал; 4 – тупроққа ишлов берувчи ишчи орган

2. КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ЮМШАТГИЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

2.1 Пассив ва фаол ишчи органли комбинациялашган юмшатгичнинг тузилиши ва иш жараёни

Олимлар томонидан ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида пассив ишчи органли юмшатгичларнинг иш жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланди, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин [42, 53]:

- олдиндан шудгорланиб келинадиган юқори намликка эга бўлган ерларга ишлов беришда ишчи органлар олдида тез-тез тупроқни юмланиши юзага келади, бу эса уларни тикилиб қолишига олиб келади;

- юзида кўп даражада ўсимлик қолдиқлари бўлган далаларга ишлов беришда юмшатгичлар тез-тез тикилиб қолади, яъни уларнинг иш жараёни ишончли эмас;


- пассив ишчи органли юмшатгичларни ғилдиракли тракторлар билан агрегатланда уларнинг қувватидан самарали фойдаланилмайди;

- нами етарли бўлмаган ва юзази ортиқча зичланган ерларга ишлов берилганда кўп миқдордаги катта кесаклар ҳосил бўлади.

Юқордаги камчиликларни бартараф қилиш, яъни шамол эрозиясини олдини олиш, нами етарли бўлмаган ва ўсимлик қолдиқлари мавжуд тупроқларга сифатли ишлов бериш, агрегатнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва серқувват ҳайдов тракторларидан самарали фойдаланиш учун юмшатгич-ротацион ишчи органли комбинациялашган агрегат таклиф қилинди (2.1 – расм).


Тупроққа ағдаргичсиз ишлов бериб бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинированный агрегат пассив ва фаол элементлардан иборат: юмшатгич 4, ротацион иш орган 3 ва юмшатгич-текислагич ғалтак 5.

Фаол ва пасив иш органларни бириктириш фаол иш орган томонидан ҳосил қилинадиган ҳар хил йўналишдаги кучланишлар майдонини бир-бирининг устига тушиши туфайли тупроқнинг уваланишини оширади ва энергия сарфини камайтиради. Фаол иш органга тупроқ қаршилиги агрегатнинг ҳаракати томонга йўналганлиги учун у технологик жараёндан ташқари ҳаракатлантиргич вазифасини ҳам ўтайди. Бу эса серқувватли ғилдиракли трактор қувватидан самарали фойдаланиб агрегатни юқори тезликларда ишлашга имкон яратади.



2.1 -расм. Фаол ва пасив ишчи органли комбинациялашган агрегат схемаси

Иш органлари комбинациялашган таъсирли агрегат комбинациялашган агрегатнинг иш жараёни қуйидагича кечади: фаол иш орган 2 трактор қувват олиш валидан (ҚОВ) ҳаракат олиб ўсимлик қолдиқларини майдалайди ва тупроқнинг юза қисмини майдалайди, юмшатгичлар 3 ва ағдаргичсиз корпуслар 4 тупроқнинг қилган қисмини интенсив майдалайди. Сўнгра юмшатувчи-текислагич ғалтак 5 кесакларни майдалаб шудгор юзасини текислайди. Ўсимликларнинг қолдиқларини фаол иш орган билан майдалаш ўсимлик қолдиқлари кўп бўлган далаларга ишлов берилганда пасив ишчи органнинг тикилишини олдини олади.



2.2 - расм. Фаол ва пасив ишчи органли комбинациялашган агрегатни конструктив схемаси

2.2. Пасив ва фаол ишчи органли комбинациялашган юмшатгичнинг барқарор ҳаракати ва унинг самарадорлиги

Кейинги пайтларда эрозия тупроқ унумдорлигига сезиларли даражада зарар етказмоқда. Тупроққа ўта ишлов бериш шамол ва сув эрозиясини кучайишига олиб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 70% дан кўпроқ экин майдонлари у ёки бу даражада шамол ва сув эрозиясига учраган. Айниқса, нишаб лалми ерларда сув эрозияси ва тупроқ намлигини етишмовчилиги жиддий муаммолардан биридир. Шунинг учун тупроқни

дефляция жараёнларидан химоя қилиш билан бирга унинг унумдорлигини ошириш чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқда органик бирикмалар тўпланишига, намликни йиғилиши ва сақланишига, шамол ва сув эрозиясини олдини олишга шароит яратиш орқали унинг унумдорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири ағдаргичсиз юмшатишни ағдаргичли шудгорлаш билан галма-гал алмаштиришни ўз ичига оладиган тупроққа ишлов бериш тизими ҳисобланади.

Кўплаб тадқиқотлар ва амалиёт натижалари таҳлиliga кўра Ўзбекистонда эрозияга учраган ерларга қўлланиладиган ағдармасдан ва ағдариб тупроққа ишлов бериш машиналари талаб даражасида тупроққа сифатли ишлов беришни таъминламайди, қувват сифими катта ва иш унумдорлиги паст.

Шу боис тупроқни шамол ва сув эрозиясидан химоя қилишни, қувват сарфини камайтиришни, унда намликни тўплаш ва сақлашни яхшилашни ва агрегатларнинг унумдорлигини оширишни таъминлайдиган тупроққа ишлов бериш тизимини такомиллаштиришга, эрозияга учраган тупроқларга ишлов беришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва техник воситаларини яратишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ва муҳим ҳисобланилади.

Тупроққа ағдаргичсиз ишлов бериб бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинированный агрегат пассив ва фаол элементлардан иборат: юмшатадиган қўшимча элементлардан иборат юмшатгич, ротацион иш орган ва юмшатгич-текислагич ғалтак. Фаол ва пассив иш органларни бириктириш фаол иш орган томонидан ҳосил қилинадиган ҳар хил йўналишдаги кучланишлар майдонини бир-бирининг устига тушиши туфайли тупроқнинг уваланишини оширади ва энергия сарфини камайтиради. Фаол иш органга тупроқ қаршилиги агрегатнинг ҳаракати томонга йўналганлиги учун у технологик жараёндан ташқари ҳаракатлантиргич вазифасини ҳам ўтайди. Бу эса серқувватли ғилдиракли

трактор қувватидан самарали фойдаланиб агрегатни юқори тезликларда ишлашга имкон яратади.

Иш органлари комбинациялашган таъсирли агрегат комбинациялашган агрегатнинг иш жараёни қуйидагича кечади: фаол иш орган трактор қувват олиш валидан (ҚОВ) ҳаракат олиб ўсимлик қолдиқларини майдалайди ва тупроқнинг юза қисмини майдалайди, юмшатгичнинг такомиллашган асосий лемехлари тупроқнинг қилган қисмини интенсив майдалайди. Сўнгра юмшатувчи-текислагич ғалтак кесакларни майдалаб шудгор юзасини текислайди. Ўсимликларнинг қолдиқларини фаол иш орган билан майдалаш ўсимлик қолдиқлари кўп бўлган далаларга ишлов берилганда пассив ишчи органни тикилишини олдини олади.

Тупроққа ишлов бериш сифати ва унинг энергия сиғими фаол ва пассив ишчи органларнинг кинематик иш режими, конструктив параметрлари ҳамда тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ.

Фаол ишчи органнинг комбинациялашган агрегатнинг барқарор ҳаракати ва тортишга қаршилигига таъсирини аниқлаш учун унга таъсир этувчи кучларни кўриб чиқамиз 2.3 – расмда фаол ва пассив ишчи органли агрегатга таъсир этувчи кучлар ва реакциялар схемаси келтирилган.

Агрегат бўйлама-тик текисликда турғун ҳаракат қилиши учун қўйидаги шарт бажарилиши лозим:

пассив ишчи органли агрегат

$$\bar{N} = \bar{G} + \bar{R}_z + \bar{R}_{pz} - \bar{R}_{kz} > 0, \quad (2.1)$$

Фаол ва пассив ишчи органли агрегат

$$\bar{N} = \bar{G}_1 + \bar{R}_z + \bar{R}_{pz} - \bar{R}_{az} - \bar{R}_{kz} > 0, \quad (2.2)$$


бунда N – машинанинг таянч ғилдирақларига тупроқнинг умумий нормал реакцияси;

G – пассив ишчи органли агрегатнинг оғирлиги;

G_1 – фаол ва пассив ишчи органли агрегатнинг оғирлиги;

R_z – машинанинг оний айланиш марказига таъсир қиладиган тракторнинг тортиш кучини тик ташкил қилувчиси;

R_{nz} , R_{az} ва R_{kz} – мос ҳолда пассив ва фаол ишчи органга ҳамда ғалтакка таъсир қилувчи тупроқнинг қаршилик кучини тик ташкил қилувчилари.



2.3 - расм. Фаол ва пассив ишчи органли комбинациялашган агрегатга таъсир қилувчи кучлар ва реакцияларни схемаси

Маълумки, агрегатнинг барқарор, турғун иш жараёнида N кучи ижобий қийматга эга бўлиши лозим. N нинг манфий қийматида машинанинг ишлов бериш чуқуригини камайиши юзага келади. Ундан ташқари, машинани характердаги сарф F нормал куч N нинг қийматига боғлиқ, чунки $F=Nf$, бунда f – думаланишга қаршилик коэффиценти.

(2.1) ифодадан кўришиб турибдики, пассив ишчи органларда N нинг қиймати мусбат ва катта. Бунда N кучини енгиниш учун катта миқдордаги тортиш кучи R_x талаб этилади. Бундай машиналарнинг таянч ғилдираклари, одатда, оғир шароитларда ишлайди.

Фаол ишчи органларда R_{az} нинг қиймати баъзида G_1 қийматидан катта, шунинг учун, айниқса катта чуқурликларда, машина тез-тез саёзлашади.

Машинада фаол ва пассив ишчи органларни ўрнатиш уларнинг авзалликларидан самарали фойдаланишга имкон берадим. P_{az} кучи асосан G_1 ва $R_{пз}$ кучлари билан турғунлашади. Улар орасидаги фарқ ва P_z кучи таянч ғилдиракларга катта бўлмаган нормал юкломани юзага келтиради ва машинани бир хил чуқурликда барварор текис ҳарактини таъминлайди.

Фаол ва пассив ишчи органли агрегатнинг ишини тахлил қилиш учун бўйлама-тик текисликда (горизонтал йўналишда) куч ва реакцияларни мувозанатлик тенгламаларини умумий кўринишда тузамиз.

Оний айланиш марказига таъсир қиладиган тракторнинг тортиш кучининг горизонтал ташкил қилувчиси:

пассив ишчи органли агрегат

$$\bar{P}_x = \bar{F} + \bar{R}_{px} + \bar{R}_{кx}, \quad (2.3)$$

Фаол ва пассив ишчи органли агрегат

$$\bar{P}_x = \bar{F} + \bar{R}_{px} + \bar{R}_{кx} - \bar{R}_{ax}, \quad (2.4)$$

бунда R_{px} , $R_{кx}$ – мос ҳолда пассив ишчи орган ва ғалтакка таъсир

қилувчи тупроқнинг қаршилик кучини горизонтал

ташкил қилувчилари;

R_{ax} – фаол ишчи органга таъсир қилувчи тупроқнинг қаршилик кучини

горизонтал ташкил қилувчиси.

Пассив ишчи органни иш жараёнида юзага келадиган R_{px} , $R_{кx}$ ва F кучларни енгиш учун тракторнинг илгагида катта тортиш кучини юзага келтириш лозим, бу эса ўз навбатида унинг оғирлигини ошишига келади. Трактор оғирлигини ошиши эса тупрокни ортиқча зичлайди, уни юқори кисмини парчалайди, структурасини ёмонлаштиради.

Фаол ишчи органли машиналарнинг иш жараёнида P_{ax} кучи айрим вақтларда машинани ҳарактда келтиришга керак бўлган F кучдан катта бўлади, бу эса манфий шатаксирашга олиб келади.

Машинада ҳам фаол, ҳам пассив ишчи органларни ўрнатиш юзага келадиган $P_{пз}$ ва P_{ax} кучларни қандайдир даражада мувозанатлаштиради, шунинг учун асосан F кучини енгиш учун нисбатан кам миқдордаги тортиш кучи талаб этилади. Бунинг барчаси агрегатни барқарор ҳаракатини таъминлайди.

Демак, фаол ва пассив ишчи органли агрегатни серқувват тракторлар билан агрегатлаш самарали бўлиб катта тортиш кучини талаб қилмайди ва иш жараёнида барқарор бўлади.

2.3. Комбинациялашган юмшатгичнинг пассив ва фаол ишчи органларини ўзаро жойлашишини асослаш

Комбинациялашган юмшатгичнинг пассив ва фаол ишчи органларини ўзаро жойлашишини асослашда асосан фаол ишчи органнинг диаметри ва унинг ишлов бериш чуқурлигини эътиборга оламиз. Фаол ишчи органнинг ишлов бериш чуқурлиги 12-15 см. Ишчи органнинг диаметри $D=550$ мм. Пичоклар орасидаги кўндаланг масофа $\ell_r=26$ см.


Машинанинг ҳаракат йўналиши бўйича фаол ишчи органни шундай ўрнатиш лозимки, бунда у юмшатгич томонидан юзага келтирилган тупрок палахсасининг дастлаб кучланишлар худудига ишлов бериши лозим. Бунда, ишчи органлар томонидан ҳосил қилинадиган ҳар хил йўналишдаги кучланишлар майдонини бир-бирининг устига тушиши туфайли тупроқнинг уваланишини оширади ва энергия сарфини эса камайтиради [52].

2.4 - расмдан

$$l_n \leq \frac{R(1 - \cos \psi) + a - h}{\operatorname{tg} \psi} - R \sin \psi, \quad (2.5)$$

бунда ψ – бўйлама йўналишда тупроқни синиш бурчаги.

$R=300$ мм, $a=30$ см, $h=15$ см ва $\psi=45^\circ$ бўлганда юмшатгич учидан фаол ишчи орган ўқигача бўлган максимал бўйлама масофа 30 мм. Шунинг учун комбинациялашган агрегатда фаол ишчи органни юмшатгич тумшуги устида ўрнатиш лозим.




2.4 – расм. Пассив ва фаол ишчи органларни ўзаро жойлашишини асослашга доир схема

2.4. Комбинациялашган агрегатнинг юмшатгичи параметрларини асослаш

Ағдаргичсиз корпуслар олдидан ўрнатиладиган ҳар бир юмшатгич искана 1, бошмоқ 2 ва устун 3 дан иборат (2.5-расм). Юмшатгич қўйидагича ишлайди. Агрегат ҳаракат қилганда юмшатгич беқилганган чуқурликка ботади.

Искана 2, a чуқурликда тупроқда ҳаракатланиб, уни деформация қилади. Бунда, тупроқнинг ғоваклиги ва майда заррачалардан тузилганлиги туфайли, унда куч таъсири натижасида структурали боғлиқларни бузилиши, зарраларни бир бирига нисбатан силжиши, улар орасидаги бўшлиқларни тулиши, сувлар ва газларни зуриққан худуддан зуриқмаган ёки камроқ зуриққан худудларга сиқиб чиқиши юзага келади. Искана 2 олдида зичланган зона ҳосил бўлади, бу бир қатор тадқиқотларда аниқланган [13, 23, 24-28].



2.5-расм. Юмшаткичнинг асосий параметрлари

Искана 2 маълум бир масофа ўтгандан сўнг зичланган зонадаги кучланиш шундай чегарага етадику, бунда тупроқнинг бир қисми бардошлигини юқотади, бу эса палахсани горизонтга нисбатан ψ_1 бурчак остида ажралишига ва ишлов бериладиган қатламни қисман уваланишига олиб келади. Искана 2 қисман увалаган тупроққа тутқич 1 интенсив таъсир кўрсатади.

Юмшатгичнинг параметрларига қўйидагилар киради: искана эни b ; исканани тупроққа кириш (увалаш) бурчаги α ; искана узунлиги L ; исканани чархланиш бурчаги β ; искана баландлиги h ; устун қалинлиги t ; устуннинг баландлиги H ; исканани устундан чиқиши l_1 .

Юмшаткич исканаси энини асослаш. Юмшатгичдан чуқурюмшатгич сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Унда юмшатгич шундай чуқурликка ўрнатилиши лозимки, у плуг товонини юмшатиши лозим. Бунда далага йўл-йўл чуқур ишлов берилади. Юмшатгичнинг ишлов бериш чуқурлиги “плуг товонини” бузиш нуқтаи-назаридан аниқланади. Дон ва бошқа техник экинлар экиладиган ерлар асосан ҳар йил $a=30$ см гача чуқурликда шудгорланилади. Олиб борилган изланишларга кўра “плуг товони”нинг ўртача қалинлиги $a_{nm}=10$ см ни ташкил этади. Юқоридагилардан клиб чиққан ҳолда чуқурюмшатгичнинг минимал ишлов бериш чуқурлиги

$$a_{\text{чю}} = a + a_{nm} = 40 \text{ см} \quad (2.6)$$

Чуқурюмшатгич исканаси энини қўйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаймиз [26]

$$b \geq \frac{h(4,2 + ctg \alpha)}{0,1 \frac{[\sigma_3]}{[\tau_k]} (1 + 3tg \xi) - 2,5}, \quad (2.7)$$

бунда $[\tau_k]$ – тупроқнинг узилишга критик (чегаравий қаршилиги);


$[\sigma_s]$ – тупроқни эзилишига солиштирма қаршилиги;

ξ – тупроққа таъсир этувчи кучлар тенг таъсир этувчисининг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги;

Бу ифодадан кўришиб турибдики юмшаткичнинг эни биринчи навбатда ишлов бериш чуқурлигига, тупроқнинг физик-механик хоссаларига ҳамда иш органининг тупроққа кириш бурчагига боғлиқ экан. [8, 9,10] манбаларга асосан $[\sigma_s]/[\tau_k]=150$, $\xi=25^0$, $\alpha =20^0$ қабул қилиниб, (2.2) ифода бўйича эгат тубини 40 см чуқурликда деворлари зичланган эгат ҳосил қилмас-дан юмшатилишини таъминлаш учун чуқурюмшаткич исканасининг эни 6 см дан кам бўлмаслиги аниқланди.

И.М.Панов, И.В.Сучков, Ф.Маматов, И.Эргашев, Л.Г.Орсик ва А.Тухтакузиевлар [8, 24- 26, 27] олиб борган изланишларига асосан искананинг эгат тубига нисбатан ўрнатиш бурчаги α нинг оптимал қиймати $18...25^0$ оралиғида бўлади. $\alpha=25^0$ деб қабул қиламиз.

Маълумки, ишчи орган тутқичининг кенглиги b_m катталашганда унинг тортишга қаршилиги озгина катталашади. Тутқичнинг қалинлиги юмшатгичнинг тортишга қаршилигига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун тутқичнинг мақбул кенглиги ва қалинлиги маҳкамлик шартидан келиб чиққан ҳолда танланади. Бунда 0,40 м чуқурликгача ишлашга мўлжалланган юмшатгич учун тутқич қалинлиги 0,025...0,3 м бўлиши мумкин. Тутқичнинг қалинлигини 0,3 м деб қабул қиламиз [28].



2.6-расм. Чуқурюмшатгич параметрларини асосларга доир схема

Аввал ўтказилган тадқиқотлар [28] таҳлилига кўра тутқичнинг ва искананинг чархланиш бурчакларини қўйидагича қабул қиламиз: $\beta=20^{\circ}$, а $\gamma=25^{\circ}$. Искана иш сиртининг узунлигини М.Х.Мамадалиев олиб борган изланишларга асосан камида 130 мм бўлиши керак.

2.5. Операцион технологик хаританинг ҳисоби

1. Дастлабки маълумотлар:

1. Тупроқнинг тури – оч рангли буз тупроқ;
2. Рельеф қиялиги - 7° ;
3. Дала узунлиги – 420 м;
4. Тупроқнинг солиштирма қаршилиги – 5 кН/м^2 ;
5. Рухсат этилган иш тезлиги 4,5 – 8,5 км/соат.

II. Агрегат таркиби:

1. Трактор маркаси – Т-4А;

2. Машина маркаси - КА-2,1.

III. *Агротехник талабалар:*

а) ишлов бериш қисқа агротехник муддатда ўтказилиши керак;

б) ишлов бериш чуқурлиги қуйилган талабдан ± 2 см дан ошмаслиги керак;

в) ишлов берилган ерни устки қатлами майин бўлиши ва энг катта кесаклар ўлчами 10 см дан ошмаслиги керак;

г) бегона ўтларни кумилиши дала юзасида сақланган ўсимликлар қолдиғи 50% дан кам бўлмаслиги керак;

Ишлов бериш сифати қўйидаги кўрсаткичлар бўйича текширилади:

1. Белгиланган ишлов бериш чуқурлигидан четлашиш далани диаганали бўйича 3-4 марта ўлчанади;

